



ФОРС ТИЛИДА ҚАДИМГИ ВА ЎРТА ФОРС ТИЛИ СЎЗ ЯСАШ ЭЛЕМЕНТЛАРИДАН ТЕРМИН ЯСАШ

МИРЗАҲМЕДОВА ҲУЛКАР

PhD, ТошДШИ

Аннотация. Мазкур мақолада ҳозирги форс тилида термин ясаида иштирок этувчи қадимги ва ўрта форс тили сўз ясаи воситалари ва улардан термин ясаи масалалари таҳлил этилган. Шунингдек, транспорт терминларининг шаклланишида ушбу сўз ясаи унсурларининг аҳамияти, уларнинг ишлатилиши ҳолатлари ўрганиб чиқилган.

Таянч сўз ва иборалар: термин, терминология, термин ясаи воситалари, “Форс тили ва адабиёти академияси”.

Аннотация. В данной статье анализируются древнеперсидские и среднеперсидские элементы словообразования, которые служат для образования терминов в современном персидском языке. В ней также рассматриваются факторы формирования терминов транспортной отрасли и их применение.

Опорные слова и выражения: термин, терминология, элементы терминообразования, «Академия персидского языка и литературы».

Abstract. In the article, word formation elements of immemorial Persian and middle Persian languages, which served to forming new terms in modern Persian language is analyzed. Moreover, the importance of the factors of these terms in the formation of transport terminology in the language.

Keywords and expressions: term, terminology, “Academy of Persian Language and Literature”.

XXI аср юқори технологиялар асри бўлиши кутилаётганлиги сабабли илмий-техник терминлар сони ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам, терминларни тўғри қўллаш учун уларни лексик-семантик ва деривацион жиҳатдан таҳлил қилиш кун вазифасига айланмоқда. Бу ҳолатларни ўрганишда асосий урғу мавжуд терминларнинг таркибий тузилиши, уларнинг ҳосил бўлиш йўллари жараёнларига қаратилади. Таниқли терминшунос олим Р. Дониёров терминологик системани гуруҳларга бўлиб ўрганиш учта энг муҳим масалани ҳал қилиш имкониятини туғдиришини таъкидлаган. Булар: “биринчидан, шу системанинг умумтермин бойлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилади; иккинчидан, бу системанинг сўз ясаи имкониятлари ҳақида маълумот беради; учинчидан, системанинг ҳар қайси мавзуи гуруҳидаги ўзига хос сўз ясаи модели қандай эканлигини аниқлаб беради”¹.

Маълумки, терминологиянинг тараққий этиши халқ тафаккурининг маҳсули билан узвий боғлиқ. Форс тили терминларини ҳосил қилишда тилнинг ички ресурслари, яъни сўз ясаи усуллариининг мавжудлиги қанчалик аҳамиятга эга бўлса, тилда мавжуд сўзлардан термин ясаи шунчалик аҳамиятга молик. Чунки форс тилида сўз ясаи моделлари анча турғун ҳамда имконият доираси кенг бўлганлиги сабабли, термин ясаи қодаларига мос келади ва янги тушунча ҳамда ҳодисаларни номлаш учун термин яратиш ишларини анча енгиллаштиради.

Сўз ясаи жараёни форс тилининг барча даврларида (қадимги форс тили, ўрта форс тили ва ҳозирги форс тили) мавжуд бўлган ва бугунги кунга келиб ўзининг авж нуктасига етган. Сабаби, илмий-техника ривожини барча тилларда, хусусан, форс тилида ҳам ўзлашмаларнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўзлашмаларнинг форс тилидаги муодилларини ички ресурс–сўз ясаи усуллари орқали ифодалашни тақозо қилмоқда.

¹ Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Т.: Фан, 1977, – Б. 45.

Форс тили қадим тарихга эга ва сўз яшаш имконияти кенг. Тилда қадимги ва ўрта форс тили унсурларидан фойдаланган ҳолда терминлар ясалиши сермахсулликни ташкил қилмасда, янги сўзлар яшашда иштирок этади. Уларни ўрганиш терминлар юзасидан тадқиқот олиб боришнинг диахрон аспекти белгилайди.

Йўриқноманинг 3.2. бандида “Танланаётган сўз эроний тиллар гуруҳига оид тирик тил ва лаҳжалардан олиниши лозим”лиги белгилаб қўйилган. Умумтилдаги сўзларнинг терминга айланиш жараёни кам тадқиқ этилган ҳамда ҳамон тўлиқ ўз ечимини топмаган масалалардан биридир.

Аввало шуни қайд этиш керакки, термин ҳосил бўлиш жараёнлари маълум бир халқнинг миллий-специфик ҳолатларига ҳам боғлиқ. Халқаро стандартда эса “ҳар бир тил ички имкониятидан келиб чиққан ҳолда ўша тил учун ўз стандартини ишлаб чиқиши мумкин”лиги қайд этилган. Қолаверса, умумий лексика таркибидаги сўзнинг терминга айланиши ва янги маънога эга бўлиши ҳар бир тилда учраши борасида ҳам кўрсатма берилган¹.

Умуман олганда, терминларнинг чегарасини аниқлаш, сўздан фарқлаш лозим. Сўзларнинг кўп маънога эга бўлиши, ёки аввал умумадабий сўзда бошқа маънолар учун қўлланилгани бу сўзларнинг терминлашуви-га тўсқинлик қила олмайди.

Форс тили терминларини ҳосил қилишда тилнинг ички ресурслари, яъни сўз яшаш усулларининг мавжудлиги қанчалик аҳамиятга эга бўлса, тилда мавжуд сўзлардан термин яшаш шунчалик аҳамиятга молик. Чунки форс тилида сўз яшаш моделлари анча турғун ҳамда имконият доираси кенг бўлганлиги сабабли, термин яшаш қоидаларига мос келади ва янги тушунча ҳамда ҳодисаларни номлаш учун термин яратиш ишларини анча енгиллаштиради. Тилда ав-

валдан мавжуд сўзлардан термин ҳосил қилиш эса миллий тилни сақлаб қолишга қаратилган йўналишлардан биридир.

Маълумки, бугунги кунда терминларни танлаш ва қўллаш борасида Эронда فرهنگستان ایران زبان و ادبیات ایران *farhangestān-e zabān va adabeyāte irān* “Эрон тил ва адабиёти академияси”нинг اصول و ضوابط و آراء گزینی *osul va zavābet-e vāžegozini* “Сўз танлашнинг усул ва қоидалари” йўриқномаси ишлаб чиқилган. Бу низомнинг 3.2. бандида “Термин яшашда қадимги ва ўрта форс тили сўз яшаш унсурларидан фойдаланган ҳолда термин яшаш мумкин”лиги белгилаб қўйилган. Ҳозирги кунда ушбу сўз яшаш элементларидан термин яшаш сермахсулликни ташкил қилмасда, бу воситалар транспорт терминлари яшашда ишлатилади.

Тадқиқот давомида қадимги ва ўрта форс тили унсурларидан ясалган қуйидаги мисоллар учради:

- *tarā-* ترا: қадимги форс тилида “у тарафдан”, “олдидан” маъносида қўлланилган равиш бўлган. Мазкур сўз ясовчи восита ёрдамида ясама сўз ясалган:

بردن *bar* (بر) ‘транспорт’² *tarābari* ترابرى
bordan ‘олиб борувчи’, ‘ташувчи’ феълининг ХЗН ва *masdari* مصدرى *yā-ye masdari*;

تراگزار *tarāgozār* ‘ўзгартгич’. Тадқиқот давомида мазкур сўз ясовчи восита иштирокида қатор бирикма терминлар ясалган. Масалан:

پارواز تراصوتى *parvāz-e tarāsowti* ‘ТОВУШ тезлигидан юқори парвоз’;

گستره تراصوتى *gostare-ye tarāsowti* ‘ТОВУШ тезлиги оқими’;

سرعت تراصوتى *sor’at-e tarāsowti* ‘ТОВУШ тезлиги’;

¹ Terminology work – Principles and Methods // International Standard ISO 704. Second edition, 2000-11-15. Reference number ISO 704:2000 (E). – 38 p.

² Терминлар Эроннинг “Форс тили ва адабиёти академияси”нинг тўпламларидан фойдаланилган ҳолда мақолага киритилган. Академия томонидан янги таклиф қилинган терминлар китобча шаклида нашр этилган бўлиб, ишда унинг электрон шаклидан (<http://www.persianacademy.ir/fa/naame.aspx> ва <http://www.persianacademy.ir/fa/s310487.aspx> сайтларидан) фойдаланилди.

tunel-e tarāsowti ‘тунелдаги товуш тезлиги’;

tarāgozār-e sowti ‘электрик ўзгартгич’;

tarābari-ye ettelāāt ‘ахборот транспорти’¹.

Қайд этиш лозимки, мазкур *tarā-* ўрта форс тилида сўз туркумларидан бири-равиш бўлган. Ҳозирги кунга келиб сўз ясовчи воситага айланди. Аммо кўриб ўтилган мисоллар унинг каммаҳсул сўз ясовчи восита эканлигини кўрсатди. Сабаби, бу сўз ясовчи восита маълум доирадаги сўзларни яшашда қўлланилмоқда.

farā- : ўрта форс тилида *frāč* шаклида қўлланилган феъл ясовчи яримаффикс бўлиб, ‘олдинга’, ‘ён тарафга’, бирор-бир ҳаракатни ‘кучайтириш’, ‘тугатиш’ маъносида қўлланилган:

farāsāhel ‘офшор’, ‘соҳилдан узоклашмоқ’;

farāvardebar ‘хаммол’;

havāgerd-e farāmahali ‘йўловчи транспорти’;

farāabar-e sowti ‘товуш тезлигидан юқори’;

farāzir-e sowti ‘товуш тезлигидан паст тезликда’;

farāzā-ye gozār ‘ўтиш йўлаги баландлиги’;

farāxiz ‘тўхтатмоқ’;

elāmat-e farāxān ‘чақирув сигнали’;

tarāgozār-e farāsowti ‘овоз темпини ўзгарттиргич’.

Шундай мисоллар учрадики, *farā-* сўз ясовчи восита билан ясалган ясамага биргина *yā-ye masdari* ни кўшиш орқали бошқа соҳа термини ясалган. Масалан: *farābar* ‘паром’, ‘солсимон ясси кема’ (*bar* *bordan* ‘олиб борувчи’, ‘ташув-

чи’ феълнинг ХЗН) ва *farābari* ‘самолёт перегони’ (*bar* *bordan* ‘олиб борувчи’, ‘ташувчи’ феълнинг ХЗН ва *yā-ye masdari*).

foru- : феъл ясовчи яримаффикс бўлиб, ўрта форс тилида *frot* кўринишида қўлланилган ҳамда ‘тепа’, ‘паст’, ‘орқа’, ‘олд’ маъносини берган:

foručarxi ‘штопор’-самолётнинг пастга қараб буралиб шўнғиши;

foruravi ‘дрифт юргазгич’²;

foruzir-e sowti ‘сигнал пастлиги’;

tunel-e foručarxāš ‘аэродинамик туннель’;

forusowti ‘товуш тезлигидан паст тезлик’.

Ҳозирги кунга келиб, *farā-* ва *foru-* олд кўмакчиларнинг ҳар иккови эквивалент сифатида ишлатилиши мумкин: *farāxiz* ва *foruxiz* ‘тўхтатмоқ’.

abar- : Мазкур яримаффикс паҳлавий тилида *apar* шаклида қўлланилган бўлиб, форс тилида ‘устиди’, ‘тепасида’ маъносида қўлланилади³. Бу яримаффикс каммаҳсул сўз яшаш воситаси ҳисобланади, шунингдек, қўлланилиш доираси чегараланган. Академия томонидан мазкур яримаффикс ёрдамида ясалган куйидаги транспорт терминлари тақлиф қилинган:

aerodināmik-e abar-sowti ‘товуш тезлигининг аэродинамикаси’;

fošordesāz-e abarsowti ‘товуш кучайтиргич’;

paxšgar-e abarsowti ‘товуш узатгич’;

malax-e abarsowti ‘хаво винти’;

tunel-e abarsowti ‘аэродинамик товуш трубаси’ ва шу каби терминлар.

“Акси”, “тескари”, “зидди” маъноларида қадимги форс тилида *pāti*, ўрта форс

¹ Сув транспортида қўлланилувчи термин.

² Сув транспортида қўлланилади.

³ *ж. عمید. فرهنگ فارسی عمید. 1389 ج. ص. 63.*


тилида *پاد* *pād* яримаффикси ёрдамида бир қанча сўзлар ясалган. Масалан, *پادزهر* *pād-zahr* ‘захарга қарши’, *پادجریان* *pādjarayān* ‘жараёнга қарши’ кабилар.

Шунингдек, қадимги форс тилида *دژ* *dož*, ўрта форс тилида *دژ* *dež*, ҳозирги форс тилида *دش* *doš* шаклида “ёмон” маъносида қўлланилган, префикс ёрдамида *دشنام* *došnām* ‘дашном’, ‘ҳақорат’, *دژدود* *doždud* ‘тутун’, *دشوارة* *došvāre* ‘кийин’, ‘оғир’ каби сўзлар ясалган.

Форс тилидаги бу каби сўз яшаш унсурларининг мавжудлиги сўз ёинки термин яшаш имкониятларини юзага келтиради.

Проф. Ю. А. Рубинчик учинчи академиянинг фаолияти ҳақида гапирар экан, куйидаги хулосаларни билдирган: “...учинчи академиянинг пайдо бўлганига бир неча йиллар бўлганига қарамай, унинг илмий ва амалий хулосалари, фаолияти Эрон жамиятига яхши таниш эмас. Назаримизда, Академия фаоллари, унинг ҳақиқий аъзолари аввалги икки академияларнинг хатоларини қайтариб қўйишдан чўчийдилар. Шунинг учун ҳам яратилаётган ҳар бир терминнинг нашри устида жиддий бош қотирмоқдалар”¹.

Хулоса қилиб айтганда, бошқа тилларда бўлганидек, форс тилида ҳам термин ҳосил қилиш жараёни изчил ва фаол равишда кечмоқда. Чунончи, ҳозирги кунда форс тилининг илмий-техник терминологияси, жумладан транспорт терминологияси ҳам қадимги ва ўрта форс тили термин яшаш элементлари ёрдамида яратилган терминлар ҳисобига тўлдириб келинмоқда. Улар терминологик луғатларнинг кичик қисмини ташкил қилади. Улар ёрдамида ясалган терминлар янги маъно оттенкаларини ўзида жамлаб, термин сифатида юзага чиқади.



¹ Рубинчик Ю. А. Грамматика современного персидского литературного языка. – М.: “Восточная литература” РАН, 2001. – С. 10.